2003 YIL 2 MAY, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№58 (6.583). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА



ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ (1-2-саҳифаларда)

“ЕВРООСИЁ” ГРАНТИ СОҲИБИ (3-саҳифада)

ХАЙРЛИ ТАДБИР (1-4-саҳифаларда)



# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Иккинчи Европа департаменти директори Жон Одлинг-Смини қабул қилди.***

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари, Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро мулоқот, ҳамкорлик тобора фаоллашиб бораётир, дейишга барча асослар борлигини таъкидлади.

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтадиган мажлиси доирасидаги тадбирларда ХВЖ вакилларининг иштирок этиши ушбу анжуман нуфузини янада оширишини ҳам қайд этмоқчиман, - деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон дунёнинг энг нуфузли молиявий муассасаларидан ҳисобланган ХВЖ билан ўн йилдан зиёд вақт давомида ҳамкорлик қилиб келади. Жамғарма тўлов баланси ва бюджетни қўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам кўрсатиш, амалий маслаҳатлар орқали Ўзбекистондаги ислоҳотларга кўмаклашиб келмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида тузилган Мониторинг дастури муваффақиятли амалга оширилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

***

**СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.**
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Умумхалқ байрами - 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 58 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 13000 (ўн уч минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 май

***НУКУС, (ЎзА мухбири Аминбой ОРТИҚБОЕВ). Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, экиш мавсумининг бугунги аҳволи муҳокама этилди.***

***Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.***

# ТАЖРИБАЛИ ДЕҲҚОН САРОСИМАГА ТУШМАЙДИ

Кўкламнинг серёғин ва салқин келиши Оролбўйи деҳқонларига қўшимча ташвиш туғдирди. Аммо минтақанинг ўзига хос иқлим шароитида бой тажриба тўплаган пахтакорлар омилкорлик билан иш юритиш чора-тадбирларини кўраётгани боис қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачиликда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Қорақалпоғистонлик деҳқонлар бу йил саксон минг гектар майдонда пахта етиштириш ниятида. Кейинги ўн йил ичида биринчи марта чигит экиш барвақт якунланаётир, униб чиққан ғўза ниҳолларининг ривожи яхши. Мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этган Амударё, Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманларида экиш ишлари ниҳояланмоқда. Илғор хўжаликларда униб чиққан ғўза қатор ораларига ишлов бериш бошлаб юборилган.

Бироқ апрель ойи серёғин келгани боис пайдо бўлган қатқалоқни вақтида юмшатиш, ғўза қатор ораларига агротехника қоидалари асосида қатъий ишлов бериш долзарб бўлиб турибди. Шу билан бирга, суғорма майдонлардаги ғалла экинларини суғориш ва озиқлантириш билан боғлиқ тадбирларда узилишларга йўл қўймаслик лозим.

Йиғилишда, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор- дренажларни тозалаш борасидаги ишлар муҳокама этилди. Бир вақтлари беда уруғи етиштириш бўйича орттирилган бой тажрибани тиклаш, бедазорларни кенгайтириш, шимолий туманларда сувни кам талаб этувчи кунгабоқар етиштиришни кўпайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

# ҚИРҒОҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***НАВОИЙ, (ЎзА мухбири Ёркул УМАР). Қизилқум саҳросида ястаниб ётган Айдаркўл суви тобора кўпайиб боряпти. Бу хавфлими?***

Рости, Айдаркўлда вазият бироз оғир. Қозоғистоннинг «Чордара» сув омборидан кўлга ҳар куни секундига 1,2 минг, суткасига эса 103,6 миллион кубометр сув ташланяпти. Ҳозиргача тўпланган сув ҳажми 39 миллиард кубометрдан ошиб кетди. 1993 йили жами 16,9 миллиард кубометр сув ташланганини ҳисобга олсак, бу жуда катта миқдор эканини англаймиз. Кўлнинг узунлиги 72 километр, эни эса 30 километрни ташкил этади.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳволни чуқур ўрганиб, сув тошқинига қарши барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Кўл атрофида назорат постлари ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Конимех туманидаги «Боймурод», Нурота туманидаги «Қўшқудуқ» овуллари, «Абай» ширкат хўжалигининг биринчи ва иккинчи фермалари марказлари атрофида дамба кўтарилаётир. Шу билан бирга «Навоий-Утемурод» магистрал йўлининг маълум километрларида қирғоқни кўтариш ишлари ҳам жадал суръатда олиб бориляпти. Бу ишларга Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий «Автойўл» акционерлик уюшмаси, Навоий сув қурилиши бошқармаси, Конимех, Нурота тумани корхона ва ташкилотлари, зарур техника воситалари сафарбар этилган.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу долзарб масала атрофлича муҳокама этилди. Кўл қирғоқларини мустаҳкамлаш, қўшимча техника ва ишчи кучини сафарбар этиш борасида фикр алмашилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

# ДУНЁ НИГОҲИДА

***Маълумки, шу йил 4-5 май кунлари пойтахтимизда Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик анжумани бўлиб ўтади.***

Дунёдаги энг обрўли молия ташкилотларидан бири саналган ЕТТБнинг мазкур анжуманини ташкилий жиҳатдан пухта ва юксак савияда ўтказиш мақсадида кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрадиган нуфузли меҳмонларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида бир қанча меҳмонхоналар замонавий андозалар даражасида қайта таъмирланиб, фойдаланишга шай қилиб қўйилганлиги ҳам шундан далолатдир. Зотан, Марказий Осиё республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ташкиллаштирилаётган мазкур анжуман мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлиши, шубҳасиз.



Кези келганда, ЕТТБнинг фаолияти хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Мазкур халқаро молия муассасаси Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттераннинг ташаббуси билан 1991 йили ташкил этилган эди. Банкнинг асосий мақсади Марказий ва Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларининг режали иқтисодиёт тизимидан бозор муносабатларига ўтиши, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, уларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнларига кўмаклашишдан иборатдир. Айни пайтда дунёдаги 60 мамлакат ва Европа сармоя банки ҳамда Европа Иттифоқи ЕТТБнинг акцияларига эгалик қилади.

Ўтган йиллар давомида мазкур банк томонидан юқорида тилга олинган йўналишлар бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ЕТТБ Ўзбекистон билан ҳам турли соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Республикамиз 1992 йил 30 апрелда ушбу халқаро молия ташкилотига аъзо бўлган эди. 1993 йилнинг май ойидан эътиборан пойтахтимизда ЕТТБнинг ваколатхонаси ҳам мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Банк шу йили 23 ноябрда юртимизда ўзининг илк лойиҳасини амалга оширишга киришган эди. Ўшанда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилди. Ҳозирги пайтда республикамизда ЕТТБ иштирокида 1,4 миллиард АҚШ доллари қийматидаги 20 та истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, яна 300 миллион долларлик 8 та лойиҳалар ўрганиб чиқилмоқда. Банк билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликларнинг асосини хусусий сармоялар ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ҳамда тараққий эттириш, инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш сингари муҳим масалалар ташкил этади. Жорий йилда ҳам юртимизда ЕТТБ томонидан маъқулланган 215 миллион доллар қийматидаги 5 та лойиҳалар бўйича иш олиб борилади. Умуман, бундай ўзаро ҳамкорликлар иккала томон учун ҳам бениҳоя фойдалидир.

**АРАФА**





Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki

ЕТТБнинг Тошкентда ўтадиган анжуманига бутун дунё катта қизиқиш билан қараяпти, десак муболаға бўлмас. Умумий ҳисобда 2 минг нафар меҳмонлар ташриф буюражак ушбу халқаро йиғилиш фаолиятини қатор хорижий давлатлардаги обрўли оммавий ахборот воситаларидан ташриф буюрадиган кўплаб журналистлар она сайёрамиз бўйлаб кенг ёритиб беришади. Бир сўз билан айтганда, ушбу халқаро йиғинни бутун дунё кузатиб боради.



**Ғафур ШЕРМУҲАММАД**

***

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# КЎМАК ВА ҒАМХЎРЛИК

**ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА**

***Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фуқароларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Чунки ишга лаёқатли ҳар бир инсон меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Уларнинг бу ҳуқуқини таъминлаш жойлардаги мутасадди ташкилотларнинг вазифасидир. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида бўш иш ўринларини топиш анча мураккаб. Лекин меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари имкон даражасида бунинг уддасидан чиқишаётир.***

Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ҳам вилоятда иш билан банд бўлмаган аҳолининг бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва туман меҳнат бўлимларига 2003 йилнинг биринчи чораги давомида жами 12680 нафар фуқаролар мурожаат қилган бўлиб, улардан 9606 нафари ишга жойлаштирилган.

Лекин ҳозирги вақтда баъзи йирик корхоналар иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолганлиги учун иш ўринларини ташкил этиш у ёқда турсин, ўз ишчиларини ҳам мажбурий равишда пул тўланмайдиган узоқ муддатли меҳнат таътилига чиқариб юбораётир. Бу ҳам албатта, ишсизларни иш билан таъминлашда мураккаб муаммоларни келтириб чиқараётир. Баъзи иш ўринларида ишлаш учун иш сўраб мурожаат қилганларнинг мутахассислиги тўғри келмайди. Шунинг учун биз ишга жойлаштириш имкони бўлмаган фуқароларнинг 531 нафарини қайта ўқитишга юбордик.

**(Давоми 2-бетда)**

**ЖАРАЁН**

***Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майигача мамлакатимиз ҳудудида “Ҳаракат хавфсизлиги” ойлиги давом этмоқда.***

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, биринчи навбатда йўлларимизда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан йўл қўйилаётган турли хил қоидабузарлик ҳолатларини камайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг ҳам бу борадаги масъулиятини янада ошириш, уларнинг ушбу тадбирда фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборатдир.

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ - УМР ФОЙДАСИ

Ушбу тадбирнинг биринчи декадаси якунлари бўйича республика Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг матбуот бўлимидан олинган маълумотларни кўздан кечира туриб, ҳали орамизда масъулиятни тўлиқ ҳис қилмайдиган ҳайдовчилар, йўл ҳаракати қоидаларини билмайдиган пиёдалар кўплаб топилишига амин бўлдик.

Тадбирнинг биринчи ўн кунлигида аниқланган қоидабузарликларнинг сони 130 минг 912 тани ташкил этганлиги бунга далилдир. Жумладан, 75 минг 535 нафар ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун тўхтатилган. 8941 ҳолатда эса ҳайдовчиларнинг маст ҳолда машина бошқарганликлари ДАН ходимлари томонидан аниқланган.

**(Давоми 4-бетда)**

# ҚОНУНБУЗАРЛИККА ТЎСИҚ

**КЕНГАШ**

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш органларининг 2003 йилнинг биринчи чорагида амалга оширган ишлари ва келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда таъкидланишича, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт, солиқ ва валюта қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида Департамент органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Департамент органларининг иши кўриб чиқилган ва қўзғатилган жиноий ишлар сонига эмас, балки энг аввало профилактика ва ҳуқуқ тартиботи ишларининг самарадорлигига ва ундирилган зарар миқдорига қараб баҳоланишини назарда тутиб, департамент органлари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқларни тўлашдан бош тортганлик, иқтисодиёт, солиқ ва валюта соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш борасида мунтазам равишда солиқ тўловчилар билан учрашувлар ўтказишди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган тадбирлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисоб рақамларидаги маблағларни нақдлаштириш, товарларни назорат-касса машинасидан ўтказмасдан сотиш, тушумларни банкка топширмаслик ва улгуржи савдо тартибларини бузиш билан боғлиқ 8,9 миллиард сўм миқдоридаги 677 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланди.

**(Давоми 2-бетда)**

**ТАҲЛИЛ**

## МЎЪЖИЗАВИЙ НЕЪМАТ

***Асал. Бу сўзни эшитганда беихтиёр бир ютиниб ё тамшаниб қўямиз. Тозасидан борми, дейдиган ҳам оз эмас. Нега бу маҳсулотга эътиборимиз бўлакча?***

Нега асал шунчалик шифобахш, неча юзлаб оғир хасталикларга малҳам – мўъжизавий неъмат? Мутахассисларнинг айтишича, асал тинимсиз меҳнат маҳсули, 1 килограмм асални бунёдга келтириш учун асаларилар 10 миллиондан ортиқ гулбаргга қўниб, қайтиши лозим. Битта асалари ўз умри давомида (30-40 кун) фақат 4 грамм асал ва бир ярим грамм атрофида гул чанги йиғиши мумкин, холос. Кўриб турганингиздек, биз бир ўтиришда паққос туширадиган асал учун асалари оиласи нечоғлик заҳматлар чекади... Айиқнинг айиқлиги, полвонкелбатлиги ҳам аслида шундан эмасмикин?.. Қолаверса, шу сабабли гўдак озгина шамолласа елкасига суртиш учун ё асалли чой қилиб бериш учун тоза асал қидириб қоламиз. Очиғи, бирор яқинимиз, ё танишимиз касалхонага тушиб қолсаю уни кўрмоқчи, ҳол-аҳволини сўрамоқчи бўлсак, дарров асал олиш эсимизга тушиши ҳам шундан. Афсуски, бошқа маҳсулотлар қатори асални ҳам "тоза"сини, яхшисини топиш анча мушкул.

-Ока, тоғни асали, олинг зўр...

-Бахмалники, мана буниси Бойсун тоғларидан келган.

-Зоминникига таъбингиз қалай, Супа деб эшитганмисиз? Ҳа, ана ўша ердан.

Қайси бозорга кирманг, шу гап. Айниқса, Тошкентда. Сотувчи асални минг бир тарзда таърифлайди.

# АСАЛАРИЧИЛИК: МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПАДИМИ?

**(Давоми 2-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙМАЙЛИК

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАНОТИНИ СИЛАГАН ВАТАН

РАДИО ЗЎР НАРСА-ДА!

ТАЪЛИМ

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

**_Янгиерда кўрку таровати билан шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турган бир бино бор. Унда Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи жойлашган. Бу ердаги ўқитувчилар жамоаси салоҳияти баландлиги, ўқитиш жараёни яхши ташкил этилганлиги туфайли вилоятдаги кўпгина ўқув юртлари ўқитувчиларининг семинарлари айнан шу билим даргоҳида ўтказилмоқда, у замонавий педагогик технологияларни ўрганиш тажриба мактабига айланган._**

Мазкур билим даргоҳи Мирзачўлни ўзлаштириш авж паллага кирган йилларда ташкил этилганди. Бу ерда нафақат қақраб ётган ерни экин майдонларига айлантириш, балки шаҳар ва янги ташкил этилаётган хўжаликларнинг қўрғонларини қуриш ҳам зарур эди. Табиийки, бунинг учун кўплаб қурувчи мутахассислар талаб қилинар эди. Ана шулар эътиборга олиниб, чўлқуварлар шаҳри Янгиерда Мирзачўл коммунал-қурилиш техникумини ташкил этиш тўғрисида 1965 йилнинг апрелида қарор қабул қилинди. Шу йил техникум "Саноат ва фуқаро қурилиши", "Бинолардан техник фойдаланиш" ва "Биноларни санитар-техник жиҳозлаш" мутахассислиги бўйича илк ўқувчиларни бағрига олди.

Шундан сўнг билим даргоҳи йил сайин кенгайиб борди. Орадан 3 йил ўтиб 1968 йилда техникумнинг илк қалдирғочлари ҳаётга йўлланма олишади. Дастлабки йиллари Ховос тумани марказида иш бошлаган техникум 1970 йили Янгиер шаҳридаги барча қулайликларга эга бўлган бинога кўчди. Аниқроғи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти филиали учун мўлжаллаб, 13 йилдан буён қурилаётган бўлса-да, охири кўринмаётган ҳашаматли бино техникум ихтиёрига олинди. Техникум жамоасининг елиб-югуришлари туфайли чала ишлар қисқа муддатда ниҳоясига етказилди.

Республика мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлганидек таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Техникум 1992 йилдаёқ ўқув юртлари орасида биринчилар қаторида қурилиш-иқтисод коллежига айлантирилди. Коллежда ўша йилнинг ўзидаёқ "қурилиш машиналаридан фойдаланиш", "тижорат фаолияти", "иқтисод", "молия" сингари янги йўналишлар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш бошланди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" коллеж фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди. Ўқув даргоҳи жойлашган бино тўлиқ реконструкция қилиниб, аудитория ва лабораториялар энг замонавий ўқув ускуналари ва воситалари билан жиҳозланди. Бугунги кунда коллежда қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий, иқтисодий соҳалар бўйича саккизта йўналишда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.



1997 йили коллеж директори Р.Ҳожиев томонидан тузилган "Янгиер шаҳри, Ховос ва Меҳнатобод туманлари учун тадбиркорлар тайёрлаш" лойиҳаси "Евроосиё" фондининг 23406 долларлик грантига сазовор бўлди. Ва ишлаб топилган ана шу маблағ ҳисобига лойиҳага биноан бир йиллик "Бизнес мактаб" ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу мактабда контракт асосида "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Молия" мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Ўқув юрти ташкил этилганидан буён ўтган йиллар ичида бу даргоҳда 15 минг нафарга яқин мутахассислар тайёрланди. Ҳозир унинг собиқ ўқувчиларини халқ хўжалигининг турли жабҳаларида, хориж мамлакатларида учратиш мумкин.

Мазкур ўқув даргоҳи ташкил этилган илк кунларда директор Ҳайит Каримов бошчилигида 12 нафар устоз педагоглар иш бошлаган эдилар. Эҳҳе, ўшандан буён бу ерда қанчадан-қанча ажойиб инсонлар ишламади дейсиз?! Уларнинг баъзилари учун ушбу жамоа ҳақиқий чиниқиш мактаби, камолот пиллапояси бўлди дейиш мумкин. Гулистон шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Оқолтин иқтисодиёт коллежи директори Ё.Ҳайдаров, "Ўздавсувхўжаликлойиҳа" институти бош муҳандиси В.Любар шулар жумласидандир. Ушбу билим даргоҳига 32 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган ажойиб инсон, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Расул Ҳожиев ҳамма ишларга бош-қош бўлиб келмоқда. Унинг қатъиятлилиги ва тинмай елиб-югуриши туфайли жамоа нафақат вилоятда, балки Ўзбекистондаги намунали ўқув даргоҳларидан бирига эга бўлди.

Ишчан раҳбардан қўл остидагилар ҳам ўрнак олишади ва унга тенглашишга ҳаракат қилади. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Саидмурод Баратбоев қирқ йилдан ортиқ педагогик стажга эга бўлиб, ёшларга ўз тажрибасини ўргатишдан ҳеч эринмайди.

Коллежда маънавият ва маърифат ишларини йўлга қўйиш зиммасига юклатилган ташкилотчи ёшлардан бири А.Абдуқодиров, ўқувчиларга касбий таълим беришни намунали йўлга қўйишга эришаётган, шу йўналиш бўйича директор муовини М.Наимов билим даргоҳи фидойиларидан ҳисобланишади. Техника фанлари номзоди, доцент О.Давронов, техника фанлари номзоди О.Раҳматов, М.Мардов, О.Номозов, Ж.Примқулов, Б.Исматов, иқтисод бўлими мудири А.Каримов, бино ва иншоотлар қурилиши бўлими мудири Ж.Қўзибоев, М.Толипова, А.Е.Пак, С.Каримбердиев, Н.Тўйчиев сингари коллеж ўқитувчилари ёшларнинг севимли устозларига айланишган.



Коллеж ўқувчиларига 57 нафар олий маълумотли ўқитувчи ва 4 нафар муҳандис-педагог таълим-тарбия бермоқда. Улардан 3 нафари фан номзоди, 10 нафари олий ва 17 нафари биринчи тоифали педагоглардир. Мутахассисликлар бўйича ўқув жараёни Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилмоқда. Коллежда 6 та лингафон синфи мавжуд. Уларда инглиз ва рус тиллари дарслари жиҳозлардан тўла фойдаланилган ҳолда ўтилади. "Физика", "Кимё", "Электротехника" лабораториялари, бир неча ўқув хоналари Корея республикасидан келтирилган асбоб-ускуналар, моделлар билан тўлиқ жиҳозланган. Коллеждаги 16 та компьютер интернетга уланган. Бу ерда ўқув-услубий қўлланмалар яратиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бир қатор ўқитувчилар тузган ўқув дастурлари чоп этилган. 1997 йилдан бошлаб коллежнинг барча гуруҳларида "Маънавият-маърифат асослари" курси ўқитилиб келинаётир. Ҳафтанинг жума куни "Маънавият ва маърифат куни" деб белгиланган. Ижтимоий фанлар кафедраси, 444 ўринли маданият саройи, 350 ўринли мажлислар зали, маънавият ва маърифат хонаси, 17613 китоб фондига эга бўлган кутубхона, 60 ўринли қироатхона, замонавий услубда қурилган спорт мажмуаси, коллеж музейида оммавий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Умумтаълим ва касбий фанлар ўқитувчиларининг барчаси олий ўқув юртларида малака ошириб қайтишди. Бундан ташқари ўқитувчилар доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида фаол иштирок этмоқдалар.

Коллеж замонавий педагогик технологияларни ўрганиш бўйича тажриба мактабига айланган. Жорий ўқув йилининг ноябр-декабр ва март-апрел ойларида коллежда Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун замонавий педагогик технологияларни ўрганиш бўйича тренинг машғулотлар ўтказилди.

Коллежда катта ёшлилар таълими Немис Ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик Институти билан биргаликда янгиерлик ишсиз ёшларга касб-ҳунар ўргатиш олти ойлик курслари ташкил этилган. Бу ерда 20 нафар ишсиз электрогазпайвандчи ва автомобил таъмирловчи касбларини ўрганмоқда.

Обод маҳалла йилида коллеж "Заковат" фонди билан ҳамкорликда Боёвут туманининг "Деҳқонобод" фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларни обод қилиш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шунингдек, бу маҳаллаларнинг 15 нафар ёшлари коллеж қошида ташкил этилган уч ойлик курсларда тикувчилик, электрогазпайвандчилик, сантехник ва газ тизимларини таъмирловчи касбларни ўрганмоқдалар.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ЯҚИН ШАРҚ МОЖАРОСИ ЕЧИМИ

**_Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшернинг айтишича, АҚШ вакиллари Яқин Шарқ можаросига барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" дея номланувчи лойиҳани Исроил ва Фаластин ҳукуматига топширганлар._**



АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ ҳамкорлигида яратилган лойиҳа 2005 йилга бориб Фаластин давлатини тузиш борасида можаролашаётган томонларга бир неча талаблар қўяди. Ундан аввалроқ Америка президенти Жорж Буш ҳар икки томонни ҳам тинчлик йўлини ахтаришга чақирган эди. Ҳозирда на Исроил, на Фаластин ҳукумати "Йўл харитаси"га нисбатан ўзининг қатъий муносабатини билдирмаган бўлса-да, лекин "ХАМАС" экстремистик ташкилоти бу лойиҳани қабул қилмаслигини ва ўз ҳаракатларини давом эттиришини маълум қилган.

## "АЛ-ҚОИДА" АЪЗОСИ УШЛАНДИ

**_CNN агентлигининг хабар беришича, Қўшма Штатлар президенти Жорж Буш куни кеча Покистонда "Ал-Қоида" ташкилоти етакчиларидан бири Холид ал-Аташниннинг ҳибсга олинишини юқори баҳолади._**



Карачида ўтказилган махсус операция чоғида Холид ал-Аташдан ташқари, "Ал-Қоида" ташкилотига аъзоликда гумон этилиб яна 5 киши ушланган. Покистон ҳукуматининг билдиришича, жиноятчилар қўлга олингунларига қадар АҚШ ваколатхонаси ҳамда ҳукумат биноларида террор актларини амалга ошириш учун тайёргарлик кўрганлар. Бугун "Ал-Қоида" ташкилоти аъзоларини ушлашда Вашингтон – Исломобод ҳамкорлиги кучли бўлиб, ҳозирга қадар бу террорчи ташкилотнинг ўнлаб аъзолари Покистон ҳудудида ҳибсга олинганлар.

## БЕРЛИН – ТОКИО: УЙҒУН ҚАРАШЛАР

**_Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Берлинга сафари чоғида Германия канцлери Герхард Шрёдер билан учрашди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси._**



Бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида Шрёдер ва Коидзумилар Ироқдаги вазият, Шимолий Кореянинг ядровий дастури, Яқин Шарқ можароси ҳамда икки давлатнинг ўзаро алоқалари ҳақида фикр алмашдилар. Давлат раҳбарларининг Ироқ халқига ёрдам бериш, уларнинг бугунги қийинчиликлардан чиқиб олишида жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги борасидаги фикрлари уйғун эканлиги учрашув чоғида намоён бўлди. Бу гал ҳам Берлин қарашини такрор айтар экан, Герхард Шрёдер Ироқдаги тикланиш жараёнларида БМТ бош ролни ўйнаши лозимлигини, Германиянинг Ироққа кўрсатадиган ёрдами ҳам БМТ доирасида бўлишини таъкидлади.

## АРМАНИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ЭТИЛДИ

**_Арманистон президенти Роберт Кочарян 18 апрел куни мамлакат парламенти томонидан тасдиқланган янги Жиноят кодексини амалиётга жорий этиш учун ҳужжатга имзо чекди._**



Энди янги кодексга мувофиқ ўлим жазоси бир умрлик қамоқ жазоси билан алмаштирилади ва ўлим жазоси Арманистонда бекор этилади. Лекин кодекс қабул қилингунга қадар амалга оширилган террор актлари, қасддан одам ўлдириш, вояга етмаган қизларнинг номусига тегиш жиноятлари бундан мустасно. Бошқа моддалар бўйича ўлим жазосига тортилганлар эса бир умрлик қамоқ жазосини ўтайдилар. 1990 йилдан буён Арманистонда 30 дан ошиқроқ кишига ўлим жазоси берилган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

## "БЕКОБОД УН" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХАБАРИ

_Қимматбаҳо қоғозлар тури:_ **номи ёзилган оддий акциялар.**
_Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қабул қилинган Қарор вақти:_ **7 апрел 2003 йил.**
_Қарор қабул қилган орган:_ **акциядорларнинг умумий йиғилиши.**
_Бир дона акция учун дивиденд миқдори:_ **128,33 сўм.**
_Дивиденд ҳисобланган акциялар сони:_ **65570 дона.**
_Ҳисобланган дивидендлар тўлаш шакли:_ **пул маблағлари.**
_Эмитент томонидан тузилган акциядорлар рўйхатининг вақти:_ **6 март 2003 йил.**
_Йиғилиш тури:_ **акциядорларнинг умумий йиғилиши.**
_Умумий йиғилиш ўтказилган вақт:_ **2003 йил 7 апрел соат 15.00 да.**
_Умумий йиғилишда қатнашганлар:_ **53958 дона овоз берувчи акциялар акциядорлари.**
_Кворум_ **82,7%**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларга берилган овозлар натижалари:**

| № | КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА | ТАРАФДОР | ҚАРШИ | БЕТАРАФ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган асосий вазифалар тўғрисида; | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| 2 | Жамият Кузатув Кенгашининг ҳисоботи; | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| 3 | Кузатув Кенгаши раиси ва аъзоларини қайта сайлаш: | Х | Х | Х |
| А | Қосимов Эркин Ҳамидович | 44508 овоз (82,5%) | 304 овоз (0,6%) | 9146 овоз (16,9%) |
| Б | Ли Татьяна Ильична | 44491 овоз (82,5%) | 321 овоз (0,6%) | 9146 овоз (16,9%) |
| В | Стягова Полина Дмитриевна | 44725 овоз (82,9%) | 87 овоз (0,2%) | 9146 овоз (16,9%) |
| Г | Абдуллаев Турғун | 44812 овоз (83,1%) | ЙЎҚ | 9146 овоз (16,9%) |
| Д | Акилханов Олимжон Бакирханович "Туркистон Элит" | 9858 овоз (18,3%) | 44100 овоз (81,7%) | ЙЎҚ |
| 4 | Жамият ижро органининг 2002 йилда олиб борган ишлари, 2002 йил "Бизнес-режаси"да белгиланган кўрсаткичларни бажарилиши бўйича ҳисоботи ва 2003 йил учун тақдим этилган "Бизнес-режа"ни тасдиқлаш; | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| 5 | Ижро органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасининг муддатини 2003 йилга узайтириш ёки қайта сайлаш тўғрисида: | Х | Х | Х |
| А | Комилов Мирзасултон Мирзаколоновични ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини узайтириш | 53654 овоз (99,4%) | 304 овоз (0,6%) | ЙЎҚ |
| 6 | Акциядорлик жамиятининг низом жамғармасини 50000 АҚШ долларига эквивалент суммага етказиш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантириш тўғрисида: | Х | Х | Х |
| А | Йил давомида олинган соф фойда ҳисобидан акцияни номинал қийматини 300 сўмга ошириш. | 53778 овоз (99,7%) | 180 овоз (0,3%) | ЙЎҚ |
| 7 | Жамият фаолиятига тегишли барча ички меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш тўғрисида (Жамият Устави, акциядорларнинг Умумий йиғилиши, акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши, ижро этувчи органи тўғрисидаги ва бошқа меъёрий ҳужжатлар): | Х | Х | Х |
| А | Жамият Уставига | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| Б | Кузатув Кенгаши Низоми | 53958 овоз (100%) | | |
| В | Ижро этувчи орган Низоми | 53958 овоз (100%) | | |
| 8 | Акциядорлик жамияти Тафтиш комиссиясининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботи | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| 9 | 2002 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси ва 2003 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида: | Х | Х | Х |
| А | 2002 йил якуни бўйича аудиторлик хулосасини тасдиқлаш; | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| Б | 2003 йилга "Дунё-Аудит" МЧЖ тасдиқлаш | 53958 овоз (100%) | | |
| 10 | 2002 йилдаги корхона молиявий фаолиятининг натижалари ва дивидендларнинг миқдори тўғрисида. | 53958 овоз (100%) | ЙЎҚ | ЙЎҚ |
| 11 | Акциядорлардан тушган бошқа масалалар: | Х | Х | Х |
| А | Кузатув Кенгаши аъзоларини ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида моддий рағбатлантириш; | 53654 овоз (99,4%) | 304 овоз (0,6%) | ЙЎҚ |
| Б | Йил давомида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш. | 53654 овоз (99,4%) | 304 овоз (0,6%) | ЙЎҚ |

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

## "БЕКОБОД УН" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АФФИЛЛИЛАНГАН ШАХСЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Ф.И.Ш. | Оддий номи ёзилган акциялар сони | % |
|---|---|---|---|
| 1 | ГАК "Ўздонмаҳсулот" | 16398 | 25 |
| | **Кузатув Кенгаш аъзолари** | | |
| 1 | Қосимов Эркин Ҳамидович | 1131 | 1,72 |
| 2 | Ли Татьяна Ильична | 200 | 0,3 |
| 3 | Стягова Полина | 166 | 0,25 |
| 4 | Абдуллаев Турғун | 253 | 0,38 |
| 5 | Алиев Саит Мусаевич (Давлат ишончли вакили) | - | - |
| | **Бошқарув** | | |
| 1 | М.М.Комилов (Бошқарув раиси) | 656 | 1 |
| 2 | И.Т.Холбоев (аъзо) | 40 | 0,06 |
| 3 | Ф.П.Мавлянов (аъзо) | - | - |
| 4 | Х.Усмонов (аъзо) | - | - |

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

ЖАРАЁН

# ОИЛА ПУДРАТИГА ТАЯНИБ

**_Тошкент вилоятининг Паркент туманида "Қорақалпоқ" ширкат хўжалиги бор._**

Бу гўшага қадам қўйган ҳар қандай меҳмон анча вақтгача Еттикентнинг гўзал, соя-салқин боғ-роғларини, ширин-шакар олма-узумларини таърифлаб юради.

Йўлнинг икки томонига дид билан экилган манзарали дарахтлар, анвои гуллар сизни туман марказига қадар "кузатиб боради".

Хайрулла Убайдуллаев 20 йилдирки, мазкур хўжаликка раҳбарлик қилиб келмоқда. Айни пайтда бу ерда оила пудрати асосида ишлаш намунали йўлга қўйилган бўлиб, 70 дан ортиқ оила ўз меҳнати билан хўжаликнинг иқтисодини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Умумий ер майдони 1287 гектарни ташкил қилган мазкур хўжалик туман ҳудудида у қадар катта ўрин эгалламайди. Ўтган йили 499 гектар майдондаги боғ ва узумзорлардан режадагидан анча юқори ҳосил етиштирилди. Эл дастурхонига 913 тонна сархил узум, 1032 тонна ҳўл мева, 533 тонна сабзавот етказиб берилди.

Оила пудратчилари С.Ўринбоев 1 гектар ердан 3,5 ўрнига 7 тонна, Н.Асқаров 3 гектар ердан 12,5 тонна ўрнига салкам 19 тонна буғдой олишди.

10 гектар ерда боғдорчилик қилаётган Ф.Юсупов 102 тонна олма, М.Пирматов эса 19 тоннаю 280 килограмм узум етиштириб, давлат режаларини ортиғи билан бажардилар.

Меҳнат қилган роҳат кўради, дейдилар. Мўл ҳосил етиштириш хўжаликнинг молиявий аҳволини яхшилаш баробарида деҳқоннинг ҳам фаровонлигини орттиради.

-Ўтган 2002 йилда 120 гектар ердан 484 ўрнига 612 тонна дон олиб, ўртача ҳосилдорликни 51 центнерга етказдик, - дейди Хайрулла ака. – Давлатга 312 ўрнига 350 тонна ғалла топширдик. Айни вақтда 127 гектар ерга экилган буғдой анча етилиб қолган.

Шартномадаги 350 ўрнига 487 тонна ҳосил етиштиришни режалаштирганмиз. Шунга кўра буғдой майсалари икки маротаба озиқлантирилди, бақувват ва гуркираб ўсмоқда. Экин маъданли ўғит билан озиқлантирилди. Боғ қатор ораларига 25 гектар помидор экишни ҳам режалаштирганмиз. Боғларни оқлаш, ораларини юмшатиш тугалланмоқда.

"Қорақалпоқ" далаларида иш қизғин. Ғайрат-шижоат бу йил ҳам ширкат аъзоларига омад келтириши турган гап.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

ЭКСПОРТ

# "ҚОРАКЎЛ-2000"НИНГ БЕЖИРИМ КИЙИМЛАРИ

**_Қоракўл туманидаги "Қоракўл-2000" фирмаси раҳбари Бобоқул Йўлдошев билан учрашиб, суҳбатлашганимиздан сўнг бирмунча вақт ўтди. Аммо ҳадеганда жамоа фаолияти ҳақида ёзолмадим. Нега? Балки бу, батафсил маълумотга эга бўлолмаганим учундир? Ён дафтаримдаги қайдларга қайта-қайта кўз югуртираман._**

-Бобоқул Йўлдошев туманимиздаги қатъиятли, спортни жони-дилидан севадиган, ташаббускор тадбиркорлардан бири ҳисобланади, - деди Қоракўл тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Абдусалом Раҳмонов. – У киши истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи "Чевар" кичик корхонасини ташкил қилди. Айни паллада "Қоракўл-2000" номи билан юритилаётган ва Қоракўл териларини қайта ишлаётган бу кичик корхонада 40 нафардан ортиқ йигит-қизлар тер тўкишмоқда.

Тадбиркор ҳақида илк таассуротлар пайдо бўла бошлаганди. У билан корхона ҳовлисида учрашдик. Гурунглашишдан олдин ҳовлига разм солдим. Бу ердаги орасталикни кўриб, кўзи қувнайди, дили равшан тортади кишининг.

-Кичик корхонамиз энди оёққа туряпти, - деб ҳикоя қилади Бобоқул Йўлдошев. - Етарли миқдорда тўқув дастгоҳларимиз бор. Усталар келиб ишни бошлашимизда ёрдамлашишди. Қишлоқдаги йигит-қизлар бу ҳунарнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганишди. Аслида қоракўл терини қайта ишлаш, ундан маҳсулот тайёрлаш биз ўйлаганчалик жўн иш эмас. Бу юмушни бажариш учун ирода, чидам зарур. Ҳозирда биз қоракўл теридан аёллар шубаси, телпак, шапка ва бошқа қишки кийимлар тикяпмиз.

Дастгоҳлар ўрнатилган хонага кирамиз. Бу ерда ўн-ўн беш чоғли қизлар ўз юмушлари билан банд экан. Райҳон Ортиқова, Дурдона Ўдаева, Жамила Бердиевалар ҳам мустақил равишда ишлашни ўзлаштириб олишибди.

Бу ерда қоракўл теридан тайёрланаётган аёллар шубасига Россия бозорида талаб катта. Бундан ташқари телпак, шапкаларни ҳам харидорлар севиб харид қилишаётир.

-Файзулла Хўжаевнинг падари бузрукворлари Убайдуллахўжа Бу-



хоройи шарифнинг тадбиркор бойларидан бири ҳисобланган, - дея сўз бошлади Бобоқул ака. - У офтобда ял-ял товланадиган қоракўл териларини чет элларга олиб чиқариб сотган. Москва, Новгород, Санкт-Петербург, Олмонияда дўконлари бўлган. Жаҳон бозорида ҳар бир тери тилла баҳосида сотилган. Сур, шерози, антиқа, қалами ва дона гулли терилар ҳақиқатдан ҳам тилладек чарақлаб турган. Шу сабабдан қоракўл теридан тайёрланган телпакни эллик йил кийишса ҳам телпакнинг нуқси ўзгармаган.

Шуба, телпак, шапка тикаётганлар орасида Бобоқул аканинг моделье<br>р қизи Насиба Йўлдошева ҳамда тери ошлаш бўйича институтда сабоқ олиб қайтган ўғли Аҳрор Йўлдошевлар ҳам бор. Насиба қизларга касб сирларини ўргатиш билан биргаликда янги моделлар устида ишламоқда.

-Корхонамиз 2000 йилнинг бошларида ташкил этилган, - дейди корхона раҳбари. – Ўтган йили маҳсулотларимизни 10 миллион сўмдан ошиққа пулладик.

-Келажакдаги режаларингиз қандай?

-Келажакда бирор-бир хорижлик шерик билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш ниятимиз бор.

Дарвоқе, тадбиркор Бобоқул Йўлдошев ўзбек курашининг мухлиси ҳамда жонкуярларидан бири ҳисобланади. У киши ўз томорқасида қишлоқ ёшлари учун ўйингоҳ қуриб берди. Ўйингоҳ ёнида эса катта теннис корти бунёд этилди. Бундан ташқари, у тумандаги 24-ўрта мактабни, кураш мактабларини ҳомийликка олган. Кам таъминланган оила фарзандларини ўқув жиҳозлари ҳамда спорт анжомлари билан мунтазам равишда таъминлаб келаётир. Биргина ўтган йили шунинг ўзига 1 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди. Тадбиркор туманда ўтказилаётган спорт мусобақаларининг барчасига ҳомийлик қилиб келмоқда. Насиб этса, келажакда болалар учун спорт мажмуаси қуриб бериш ниятида елиб-югураётир. Яна бир гап. Тадбиркор Бобоқул Йўлдошев "Қоракўл полвонлари" деб номланган китоб ҳам ёзди. Унда қоракўлликларнинг курашга бўлган меҳр-муҳаббати, шу заминдан етишиб чиққан номдор полвонлар, хуллас, миллий кураш билан боғлиқ барча қутлуғ анъаналар ҳақида сўз юритилган.

Тадбиркор Бобоқул Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

-"Қоракўл-2000" фирмасининг йигит-қизлари ўз ишига пухта, - дейди тумандаги "Зарафшон" ширкат хўжалиги раҳбари Абдусалом Одилов. – Уларнинг тикув цехлари ҳамиша гавжум. Улар иш бошламасдан олдин туманимизда бундай бежирим ва қимматбаҳо маҳсулот тайёрлайдиган жой йўқ эди. Ширкат хўжалигимизда етиштирилаётган қоракўл териларни шу фирмага сотаяпмиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# МЎЙҚАЛАМДА ТАРИХ НАФАСИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар саройида республика Бадиий академияси ва Халқаро Амир Темур жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Амир Темур ва темурийлар даври рассомлар ижодида" номли кўргазманинг намойиши бўлиб ўтди.***

Мозийни ёритиш ғоятда мураккаб. Тарихий шахслар ва воқеаларни мўйқалам орқали тасвирлаш эса ундан-да қийин. Бироқ мамлакатимизда юртимиз тарихи тўғрисидаги ўз тасаввурларини ёрқин чизгилар билан полотноларда акс эттира олган ижодкорларнинг кўплиги қувонарлидир. Мазкур кўргазмадан Ўзбекистон халқ рассомлари М.Набиев, Т.Қурёзов, Р.Худойберганов, Э.Машарипов, З.Фахриддинов каби иқтидорли мусаввирларнинг бир қатор асарлари ўрин олган бўлиб, улар томошабинларнинг Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилиши аниқ.

**КЎРГАЗМА**

## МУСАВВИР ФАЛСАФАСИ

***Мазкур санъат саройида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жоллибой Изентоевнинг шахсий кўргазмаси ҳам намойиш этилди.***

Агар ижодкор ўз шуурида, руҳиятида, ўз дунёсида ташқи олам гўзаллигини, фалсафасини чуқур англасагина, у ана шу таассуротларини ижодий ишларида яққол намоён эта олади. Ва у ҳар бир асарида ҳаётнинг энг жозибали, сирли қирраларини соф ва самимий ҳолатларда жонлантиради. Мусаввир Ж.Изентоев яратган асарларда бу хусусият йиллар давомида шаклланиб, юксалиб, ҳаёт ҳақиқатини ёрқин чизгилар ёрдамида теран акслантирилишига туртки бўлган.

Унинг "Кундалик ташвишлар", "Она бахти", "45-йил аёллари", "Она портрети" каби асарларида мусаввир шууридаги замон ва маконнинг ўзига хос жиҳатларини пайқаш қийин эмас. "Гулзор портрети", "Қишлоқ боласи", "Қиз портрети" каби асарлари орқали эса томошабинда болалик, боланинг ички дунёси ва шахс сифатида шаклланиш босқичи хусусида айрим мулоҳазаларнинг уйғониши табиий.

Мазкур кўргазма рассомнинг 60 йиллик юбилейи ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланган бўлиб, ундан турли жанрдаги 100 дан ортиқ асарлар ўрин олган.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

***Бу масала мени кўп йиллардан буён ўйлантиради: хўш, нега биз нутқимизда "Бир сўз билан айтганда" деб қўямиз-да, сўнг бир сўз ўрнида уч, тўрт, ўн, ҳатто ундан-да кўп сўзларни "қаторлаштириб" ташлаймиз?***

# "БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА..."

**МУЛОҲАЗА**

Маъсул шахснинг сўзига эътибор қилинг:

-Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Ўткан мажлисимиздан сўнг мана олти ой ўтди. Шу давр ичида жамиятимизда жуда кўп ишлар қилинди. Бир сўз билан айтганда – қишлоқ хўжалигимиз ривожланди, фан ва техникамиз катта ютуқларга эришди, маънавий ҳаётимизда...

Энди санаб кўринг: "Бир сўз билан айтганда" деб нотиғимиз нақ... ўн битта (!) сўз ишлатаяпти! Агар уни тўхтатмаганимизда, бундан ҳам "мўлроқ" сўз эшитардик...

Нега "бир сўз билан" айтмоқчи одам бу даражада сўзга "саxий"лик қилаяпти? Нима демоқчи бўлаётганини бир сўз билан айта олмайдими ё?

Агар мантиқан ўйлаб қаралса, ўша ибора тўғри ишлатилса, мана бундай дейиш лозим:

-Бизнинг она Ватанимизда ҳамма нарса бор: тоза ҳаво, тоза сув, чексиз далалар, битмас-туганмас ер ости бойликлари, мевазору пахтазорлар, кўм-кўк осмон, сервиқор тоғлар, тошқин дарёлар - ҳамма нарса! Юртимиз, бир сўз билан айтганда – жаннат!

**Иброҳим ЧОРИЕВ**

**9 май – Хотира ва Қадрлаш куни**

# УСТОЗ ЁҚҚАН ЧИРОҚ



***Яхши инсонлар оламдан ўтгандан кейин ҳам номи давраларда тез-тез ҳурмат билан ёдга олинади. Марҳум Мажидхон Баҳодировни ҳам кўпчилик илм аҳллари ҳурматли устоз, дея кўп эслашади. Дарҳақиқат, умрининг қарийб ярмидан кўпини илм-фан ривожига бахш этган бу инсон ана шундай эъзозга ҳақли эди...***

Мажидхон Баҳодиров республикамиздан етишиб чиққан биринчи тупроқшунос олим эди. Тупроқшунослик, арабшунослик фанларини мукаммал эгаллаган, республикамиз тарихини, ўзбек тили бойлигини, фалсафа, адабиёт фанларини чуқур ўзлаштирган таниқли арбоб саналарди. Бундан ташқари, шарқшунослар орасида ҳам арабшунос сифатида анчайин танилганди. Олим ўз ҳаёти давомида тинмай изланди, илм олишдан чарчамади. Бошқаларни ҳам илм йўлидан боришга даъват этди. Уларга бу йўлда беминнат кўмак берди.

-Отамлар ёшликда кўпроқ билим олишга интилиш кераклигини доимо уқтириб келардилар, - деб эслайди Мажидхон аканинг ўғли Роиқ Баҳодиров. – Шу боис, ал-Маъаррийнинг "ёшлик бу – (ёниб турган) олов, агар ундан бирор нарса истасанг, шошил. Чунки давр уни ўчиради", деган сўзларини тез-тез эслатиб турардилар. У кишининг сўзларига қулоқ тутиб кам бўлганимиз йўқ...

Мажидхон Баҳодиров ўзбек тилида биринчи бўлиб тупроқшунослик дарслигини, тупроқшунослик бўйича амалий машғулотлар қўлланмасини яратган муаллиф ҳамдир. Қирққа яқин номдаги асарлар олим қаламига мансуб. Унинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати шунда эдики, ўз илмий ишларини асосан ўзбек тилида ёзиб, чоп эттирарди. Гарчи олим томонидан нашр этилган илмий асарлар номини бирма-бир келтириб ўтиш шарт бўлмаса-да, тупроқшунослик терминлари луғати, тупроқшуносликдан амалий машғулотларга доир, "Ғўза агротехникаси"дан биринчи бор ўзбек тилида ёзилган асарларини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринлидир. Бундан ташқари, у киши Ўзбекистон ерларида тупроқ шўрланишига қарши курашиш, шўр тупроқли ерларни ўзлаштиришга бағишлаб кўплаб илмий мақола ва рисолалар ҳам ёзди.

Олимнинг ўрнак олса арзигулик яна бир хислати шунда эдики, у бир ишни қилишга бел боғладими, ниҳоясига етказмагунча қўймасди. Араб ва форс тилларини ўрганишга киришди, ўрганди ҳам. Шу даражада мукаммал эгалладики, бу икки тилдаги адабиётларни бемалол мутолаа қиладиган, ҳаттоки шу тилда дарс бера оладиган даражага етди. Вақт ўтиб, талабалар учун арабча хрестоматия тузди.

-Устоз Мажидхон Баҳодировдек, шогирдларига жон куйдирадиган, улар орасида катта ҳурматга сазовор бўлган қалби дарё инсонлар камдан-кам топилади, - дейди олимнинг шогирдларидан бири профессор Ходимат Махсудов. – У киши қаерда бўлмасин, атрофида дўстлик ва олижаноблик ҳукм сурарди. Менинг бугунги кундаги илмий салоҳиятга эришишимга ҳам устознинг чексиз меҳнатлари сабаб бўлган. У кишидан олган чуқур билим, ўрганган тажрибаларим бугун тупроқшунослик фанига озми-кўпми ҳиссамни қўша олишимга туртки бермоқда.

Мажидхон Баҳодиров ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Умрининг кўп қисмини қишлоқ хўжалик соҳаси ривожига бағишлаган олимнинг минглаб шогирдлари бугун шу соҳада меҳнат қилишмоқда, устозларидан олган ўгитларини юрт равнақи учун сарфлашмоқда. Домла ҳаёт бўлганларида бу йил қутлуғ 100 ёшни нишонлаган бўларди. У киши ҳозир орамизда йўқ, аммо ҳаётлик чоғида қилган эзгу ишлари, илм йўлидаги изланишлари ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Олимни ёдга олиш мақсадида, тез-тез хотирлаш тадбирлари ўтказиб турилиши одат тусига кирган. Унда қишлоқ хўжалик мутахассислари, шарқшунослар, унинг таълимини олган шогирдлари иштирок этиб, устозларини эсга олишади. Тошкент давлат Аграр университетида олимнинг 100 йиллик хотирасига бағишлаб, халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Бу эса шогирдларнинг устозга нисбатан бекиёс ҳурматидан далолатдир, албатта.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## СИНОВДАН ЎТИШДИ

***Ўтган куни сайёрамизнинг 28 та мамлакатида футбол учрашувлари ўтказилди. Ана шу баҳсларнинг 5 таси расмий бўлса, 23 таси халқаро ўртоқлик учрашувлари саналади.***

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий ўйингоҳида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига қарши таниқли мураббий Эдуард Малофеев бошчилигидаги Белорус терма жамоаси "чарм тўп" усталари майдонга тушишди. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Минскда уюштирилган дастлабки учрашувда томонлар муроса йўлини танлашиб, ўйин 2:2 ҳисобидаги дуранг билан якунланганди. Шу боис ҳам мухлислар Равшан Ҳайдаров шогирдларидан ажойиб ғалабани кутишганди...



Бу сафар терма жамоамиз таркибида қуйидаги футболчилар майдонда ҳаракат қилди: Поляков, Ашурматов, Фёдоров, Алиқулов (Усмонов), Ширшов, Кошелев (Жепаров), Акопянц, Карпенко (Зейтуллаев), Шишелов (Тожиев), Шацких (Гейнрих), Солиев (Копадзе). Аммо яна Миржалол Қосимовнинг майдонда йўқлиги яққол сезилиб қолди. Сабаби, ҳар иккала бўлимда ҳам ҳамюртларимиз рақибларидан кўра тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Аммо кетма-кет ҳужумлар самарасиз якунланаверди. Очиғини айтганда, ҳужумни ниҳоясига етказишда футболчиларимизга аниқлик етишмади. Футболда "Сен урмасанг, сенга уришади", деган ибора ҳақлигини Белорус терма жамоаси футболчиси Владимир Шумейко Поляков дарвозасини 15- дақиқада аниқ нишонга олиб яна исботлади. Ўзбекистонликлардан Владимир Шишелов томонидан 43-дақиқада йўлланган гол ҳисобни тенглаштирган бўлса-да, иккинчи бўлимнинг 9-дақиқасида Виталий Кутузов ҳимоячиларимизни хато қилишга мажбур этди ва ўзи дарвозани аниқ нишонга ола билди. Шу голдан кейин ҳамюртларимиз томонидан кетма-кет уюштирилган ҳужумлар ҳам фойда бермади ва ўйин 1:2 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан тугади.

## ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА ИШГА ТУШАДИ

***Хоразм вилоятида мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг якуний босқичи ўтказилиши ҳаммага маълум.***

Ушбу турнирга тайёргарлик кўраётган вилоят ҳокимлиги, спорт мутасаддилари, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ўқув масканларидаги спорт иншоотлари қайта таъмирланди. Қувонарлиси, вилоятда бунёдкорлар томонидан Олимпия захиралари спорт коллежи фойдаланишга топширилиш арафасида. 1050 ўқувчи таҳсил олиши мўлжалланаётган ушбу ўқув масканида бунёд этилган спорт мажмуаси замон талабларига тўла жавоб беради.

## ЁШ "ШУНҚОРЛАР"

***Тошкент вилоятидаги Чирчиқ олий умумқўшин ҳарбий қўмондонлик билим юртида мактаб ўқувчилари, ҳарбий билим юртлари курсантлари иштирокида "Шунқорлар" спорт мусобақалари бўлиб ўтди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу турнир қатнашчилари ёзги биатлон, автоматни сочиб-йиғиш, узоққа сакраш, граната улоқтириш, эстафетали югуриш бўйича ўзаро беллашишди. Турнир якунида ғолиб ва совриндор бўлган қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди.

## ҲИНДИСТОНДАН ХУШХАБАР

***Осиё қитъасининг кучли шоҳмотчилари ўртасида Ҳиндистонда уюштирилган шоҳмот турнири мамлакатимиз вакили, халқаро гроссмейтер Рустам Қосимжоновга омад келтирди.***

Ушбу турнирда совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилган иқтидорли ёш шоҳмотчимиз рақибларини енгиб турнирда иккинчи ўринни қўлга киритди ва кумуш медал эгасига айланди.

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида бадиий гимнастика федерацияси томонидан 2002 йилда қилинган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Ўзбек спорти мутасаддилари, бадиий гимнастика федерацияси вакиллари, спортчилар, мураббийлар ва фахрийлар иштирокида уюштирилган ушбу тадбирда ушбу спорт тури ривожи бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Ўтган йили бажарилган ишларга баҳо берилиб, келгуси режалар белгиланди, бадиий гимнастикани ривожлантириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 278-мактаб томонидан 1998 йили Дадақўзиев Шуҳрат Каримович номига берилган №O"R-D466517 рақамли 9-синфни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2003 йилда хусусий тадбиркор Маъмуров Шуҳрат Саттарович номига берилган транспортда юк ташишга рухсат этувчи АТ №0022425 рақамли ҳужжат, №0343101 рақамли лицензия карточкаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



- Бу қўйлар меники!

Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

# "ОЛИЖАНОБ" МАҲБУС

**АЖАБО!**

***Испаниянинг Араньенце шаҳарчасида машҳур миллий қаҳрамон, Шервуд баҳодири – Робин Гуд пайдо бўлиб қолди.***

Ишонаверинг, воқеа ўрта асрларда эмас, сизу биз яшаётган бугунги кунда содир бўлди. Гап шундаки, маҳаллий қамоқхонадан маълум муддатда қочиб кетган маҳбусни полиция ўша машҳур тарихий шахс номи билан атади. Ҳибсдан қочган тутқун бир неча соат ўтмай яна қамоқхонага ўз ихтиёри билан (!) қайтган.

Келинг, воқеани бир бошдан гапира қолайлик. "Робин Гуд" эрталаб вақтли уйғонгану, соқчининг кўзини шамғалат қилиб жазони ижро этиш муассасасидан қочиб чиқишга муваффақ бўлган. Эркинликка чиққан заҳоти йўлни Мадрид томонга бурган. Қочқин бир неча дақиқа вақт сарфлаб, пойтахтдаги заргарлик дўконларидан бирига тушиб, қўнин-қўнжини пулга тўлдириб чиққан. Шундан сўнг маҳаллий алоқа бўлимларидан бирига бориб, ўмарилган пулларни кўплаб кишиларнинг ҳисоб рақамига жўнатиб юборган. Бу пайтда полиция ходимлари аллақачон қочқиннинг изига тушиб, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб борардилар, бироқ уни дарров қўлга олишга шошилишмас, жиноят қай кўринишда якун топишини кўрмоқчи эдилар.

-Биз дастлаб "Робин Гуд" ўмарган пулларини нима сабабдан бегона кишиларга жўнатиб юборганини билолмадик, - дейди тезкор операция ходимларидан бири Эскобар Грас, - бироқ, воқеа нима билан тугашига қизиққанимиз учун унинг орқасидан сездирмай кузатиб юрдик.

Жиноятчини қўлга туширишнинг ҳожати ҳам қолмади. "Робин Гуд" жанобларининг ўзи "хайрли иши"ни битириб яна ўз камерасига қайтиб келди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари маҳбуснинг антиқа хатти-ҳаракатларининг тагига етолмай гаранг эдилар. Нега у қамоқдан қочиб яна жиноятга қўл урди, нега ўғирланган пулларни кимларнингдир ҳисоб рақамларига кўчириб юборди-ю, яна ҳеч нарса бўлмагандек изига қайтди?

Бир неча кун ўтгач, аниқроғи, "Робин Гуд" билан бирга жазони ўтаётган қирқ нафар маҳбуснинг ҳар бирига саккиз минг евродан иборат пул жўнатмаси келиб тушгач, масала ойдинлашди. "Робин Гуд" камерадошларининг кўнглини овлаш учун ана шу "савобли" ишга қўл урган экан.

**Хориж матбуоти материаллари асосида Рустам БЕК тайёрлади.**

# НОН ҲИКМАТГА КОН

**БИЛАСИЗМИ?**

***Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино ва унинг устози Абу Бакр Муҳаммад Закариё Ар-Розий ноннинг шифобахш хусусиятларига катта аҳамият берганлар ва ундан кўпгина касалликларни даволашда фойдаланганлар.***

Милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа қаттиқ нонни чайнаш фойда беради. Фасодли ярага қаттиқ нон ва қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйиш ҳам фойдалидир. Сариқ касалига чалинган одам анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон ейиши керак. Ошқозон бузилиб, юракбуруғ касалигига чалинганлар кунда уч маҳал қаттиқ нон талқонини қатиққа қориштириб истеъмол қилиши зарур. Тандирдан узилиши билан офтобда қуритилган оби нон ич ўтганда ва ҳатто қон аралаш ич кетиш каби юқумли касалликларга ҳам шифо бўлади.

Кўнгил айнашида, ошқозонида ачишиш пайдо бўлган беморларга Абу-Бакр Ар-Розий нонни асалга ботириб ейишни тавсия қилган.

Ар-Розий ҳам ибн Сино ҳам нонни сутга тўғраб еб юрган кишининг овқат хазм қилиш фаолияти яхшиланиши ҳамда ранг-рўйи тиниқ ва чиройли бўлишини кўп маротаба таъкидлашган.

Нонни туз билан янчиб, ҳўллаб темираткига суртиб тузатиш усули ҳам халқ табобатидан келиб чиққан.

Қаттиқ шамоллаганда, грипп билан



оғриганда пиёз ва қалампир билан ийланган қатиққа нон ботириб ейилса, беморни терлатади. Ўралиб бир ухлаб турилса бемор анча тетиклашиб ва енгил тортади.

**Ж. ТУРДИЕВ**

## НИМТАБАССУМ

-Дада, бу фильмни нима учун фақат катталарга мўлжалланган деяпсиз? – сўради экран қаршисига михланиб ўтирган отадан ўғли.

-Жим, ўғлим, ҳозир биласан, - деди ота телевизордан кўз узмай.

***

Ярим тун. Ён-атрофда сукунат. Ёшгина, чиройли қиз ёлғиз кетиб боряпти. Шу пайт бир йигит унинг ортидан югура бошлади.

-Яхши қиз. Шошманг, сизда гапим бор. - У шундай дея қизга етиб олиб, енгидан маҳкам ушлади. – Илтимос, исмингизни айтинг.

-Э, худойим, шу билан тўртинчи аҳмоққа дуч келишим, - норози уф тортди қиз.

## РАҚАМНИ НОТЎҒРИ ТЕРИБСИЗ

-Алло, Вася, бу сенмисан?

-Ҳа, эшитаман.

-Вася, биласанми, бўйимда бўп қолганмиш.

-Узр, бошқа рақамни терган кўринасиз.

***

Харидор уйини сотмоқчи бўлган кишиникига келди:

-Қанчага сотмоқчисиз?

-Қирқ минг "кўкига".

-Уйни кўриб чиқсак бўладими?

Харидор уйнинг ҳаммаёғини яхшилаб қараб чиқди.

-Кечирасиз, оғилингиз йўқ эканку!

-Ие, оғилнинг нима кераги бор?

-Ахир сизнинг уйингизни қирқ мингга оладиган эшак қаердадир ётиши керак-да!

***

Яхши қиз, сиз гўзаллик салонидан қайтяпсизми? – гап отди йигит.

-Ҳа, - нозланиб жавоб қайтарди қиз.

-Нима, бугун ишламас эканми, салон?

***

-Шўрлик ўлимидан кейин бор буд-шудини болалар уйига топшириб кетди.

-Нимаси бор экан ўзи?

-Ўнта боласи.

***

Газета муҳаррири масъул котибга уқтиряпти:

-Илтимос, анави мақолани 150 сатрга қисқартиринг.

-Ие, ўзи бир юз эллик сатр чиқади ё чиқмайди.

-Менам шуни назарда тутиб айтяпман.

***

Дўконда харидор сўради:

-Ака, сизда магнитли қулф борми?

-Йўқ.

-Унда, инглизларникидан борми?

-Йўқ.

-Чехларники-чи?

-Йўқ.

-Ўзимизникидан бўлсаям майли.

-Ҳеч қайсисидан йўқ.

-Ие, унақада дўконниям бекитиб кетавермайсизми?

-Вей, гарангмисан, ҳеч қанақа қулф йўқ, дедим-ку!

**Тўпловчи Рустам БЕК**

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ - УМР ФОЙДАСИ

(Боши 1-бетда)

Светафорнинг тақиқловчи чироғига эътибор бермай, тормознинг ўрнига газни босганлар ҳам кам эмас экан. Йўл ҳаракатида кичик бир хато ҳам кўплаб нохуш воқеаларни келтириб чиқариши, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлиши ёки бир умрга ногирон қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Энг ёмони ҳам мана шунда.

Тан олиш керак, бизда ҳали кўпчилик йўловчилар оддийгина йўлда юриш қоидаларини яхши билишмайди ёки бунга эътиборсизлик билан қарашади. Ўтган ўн кун давомида ана шундай қоидага риоя қилмаганлиги учун 1655 пиёдага нисбатан маъмурий баённома тузилди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг якуни эса аянчли. Хатолар эвазига содир этилган 230 та ана шундай воқеа оқибатида 25 киши ҳалок бўлган, 244 киши турли даражада жароҳатланган. Атиги ўн кун ичида шунча аянчли воқеалар рўй берса, бир ой, бир йил давомида бундай ҳодисалар салмоғи қанча бўлади?

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, "Ҳаракат хавфсизлиги" ойлигининг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Ушбу тадбирни муваффақиятли ўтказиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари билан бир қаторда турли идора, ташкилотлар, "Маҳалла" жамғармаси, меҳнат жамоалари ва халқ таълими тизимидан 10 минг нафардан ортиқ вакиллар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Тадбирга тайёргарлик жараёнида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этиш мавзуига бағишланган плакатлар, китоблар ва бошқа ўқув қўлланмалари чоп этилиб, кенг жамоатчиликка тарқатилди. Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида аниқланган қоидабузарликлар бўйича тузилган маъмурий ҳужжатларни маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида муҳокама қилишнинг йўлга қўйилганлиги ҳам мақсадга мувофиқ бўлаётир. Бу эса фуқароларни йўл қоидаларига янада жиддий эътибор беришга ундайди. Мактаб ва боғчаларда ҳам кенг кўламда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мактабларда йўл ҳаракати қоидаларининг ўқитилишини такомиллаштириш мақсадида мавжуд дарслар изчил ўрганиб чиқилиб, жойлардаги халқ таълими бошқармаларига бу борада тегишли таклифлар киритилган.



Шунингдек, болаларнинг кўча ва йўллардаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида учрашувлар уюштирилаётир.

Маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларининг бир қисмига носоз техника воситаларини бошқариш ҳам сабаб бўлади. Шу боис автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ҳам катта аҳамиятга моликдир. Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида автокорхоналардаги транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш мақсадида ҳам аниқ режа асосида ишлар олиб борилаётир. Автохўжаликлар, автотранспорт саройларида транспортларни сақлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, йўлга чиқиши олдидан техник ҳолатини кўздан кечириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ишларини назорат қилиш шулар жумласидандир. Тадбир давомида 30347 та транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилди.

Йўлларнинг ва пиёдалар йўлакчаларининг қай даражада талабга жавоб бериши ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга бевосита дахлдордир. Шу боис 5494,8 километр йўл, 164,3 километр йўлаклар текширувдан ўтказилиб, тегишли жойларга йўл белгилари ўрнатилди ва нобоп жойлари таъмирланди.

Келтирилган рақамлар, тадбирнинг уюшқоқлик билан олиб борилаётганлигидан далолат беради. Зеро, бундан кўзланган мақсад ҳам шу - йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Аксарият ҳайдовчилар ДАН ходимини кўрса пешонаси тиришади. Аслида ҳайдовчи билан ходим ўзаро дўстона муносабатда бўлишса ва ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам тегишли қоидаларга амал қилишса, йўл нозирлари йўлда сергак туришса, ҳар қандай қоидабузарлик ва кўнгилсизликларнинг олди олиниши аниқ. Зеро, йўл қоидаларига амал қилиш ҳар биримизнинг умримиз фойдасидир. Бунга фақат мана шу ойлик давомида эмас, балки ҳамиша амал қилиш эса кони фойдадир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83, 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Р.ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6